

## THE FORMATION OF ENGLISH FOLK TALES

*Madinakhan Payzibaeva  
Doctoral student  
Namangan State University*

**Abstract:** The article shows the history of the origin of English folk tales, the factors that influenced fairy tales, and the culture of different nations. Information about the first written English folk tales is covered.

**Keywords:** fairy tale, Celtic mythology, myth, magical object, legend, folklore, motive, nations.

## ИНГЛИЗ ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

*Мадинахон Пайзибаева  
Наманган давлат университети  
таянч-докторанти*

**Аннотация:** Мақолада инглиз халқ әртакларининг келиб чиқиши тарихи, әртакларга таъсир этган омиллар ва турли халқлар маданияти кўрсатиб берилган. Илк ёзма Инглиз халқ әртаклари ҳақида маълумотлар ёритилган.

**Калим сўзлар:** әртак, келт мифологияси, миф, сеҳрли буюм, афсона, халқ ўғзаки ижоди, мотив, қардош халқлар.

Ҳар бир халқ маълум маънода ўзига хос бўлиб, фақат унгагина тегишли бўлган, умум бўлмаган хислатлари мавжуд, бироқ шу билан бирга ҳеч бир миллат ёки халқ ёлғизликда, бошқа миллат ва элатлардан айро ҳолда мавжуд бўла олмаслиги ҳам исбот талаб қилинмайдиган аксиомадир. Зоро, ўзаро қўшни миллат ва элатларнинг урф-одатлари ёки ҳаёт тарзларида шунчалик кўп умунийликлар борки, ҳатто айрим байрам ва анъаналарини ёхуд халқ оғзаки ижоди намуналарини аслида қайси халқка тегишли эканини ҳам аниқлаш мураккаблик туғдиради. Бу халқларнинг маданиятлари беихтиёр тарзда бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетган бўлиб, маълум маънода бир-бирини тўлдиради.

Турли халқлар маданияти ўртасидаги умумийликлар кеча ва бугун пайдо бўлмаган феномен бўлиб, уларнинг илдизларини минглаб йиллар наридан қидириш мақсадга мувофиқ. Ана шундай ҳодисалардан бири бу халқ оғзаки ижоди бўлиб, фольклоршунос олимлар яқин икки асрдан бери ўзаро қариндош ва қариндош бўлмаган халқлар оғзаки ижодидаги муштарак жиҳатларнинг сабаб ва моҳиятларини излашда давом этмоқдалар. Биз ҳам мазкур тадқиқотимизда ана шундай феноменлардан бири – халқ эртаклари ва улардаги умумийлик ва ўзига хосликлар ҳақида фикр юритмоқчимиз. Зеро, халқ эртакларини дунёнинг барча нуқталарида ўқишиди, ҳамма халқларнинг ўз эртаклари мавжуд бўлиб, уларда келажак орзулари, воқеликка муносабат, эстетик идеаллар ва халқларнинг дунёқарашлари тасвирланади.

Сеҳрли эртаклар мураккаб ва кўп қиррали ҳодиса бўлиб, дунёдаги бир қатор халқлар оғзаки ижодининг энг сермаҳсул жанрларидан биридир. Асрлар давомида шаклланиб, жилвирланиб, тараққий этиб келган бу жанр халқларнинг воқеликнинг турли аспектлари ҳақидаги тасаввурларини ўзида акс эттириб келган.

Англияда илк инглиз халқ эртаклари тўплами 19 аср сўнггида дунё юзини кўради. Инглиз фольклор клуби президенти Жозеф Жекобс (1854 - 1916) инглиз халқ эртакларини йиғиб икки жилдда чоп эттиради. Рус фольклоршунос олими А.Н.Афанасьев, франциялик эртакшунос Шаръл Перро ва немис мифологлари бўлмиш ака-ука Гриммлардан фарқли ўлароқ Жозеф Жекобс ўзи йиққан эртакларни қайта ишламайди ва қандай бўлса шундайлигича беради, зеро у халқ оғзаки ижоди намуналарини ўз холича келгуси авлодга етказиб беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйганди. Албатта, Жозеф Жекобсга осон бўлмайди, чунки ўша пайтга келиб кўплаб инглиз халқ эртаклари унут бўлган, айримлари эса бошқа халқлар эртакларига ўхшаб кетарди. Масалан, айрим эртаклар француз ва немис халқ эртакларига ўхшаб кетадики, бу, албатта, инглиз, француз ва немис

халқларининг тарихий тақдирлари қадим ўтмишда бир-бири билан чамбарчас боғланган бўлгани ва инглиз халқ оғзаки ижоди қардош ва кўшни халқлар маданияти таъсирини бошдан кечиргани билан изоҳланади. Лекин шундай бўлсада, инглиз халқ эртаклари ўзининг оригиналлиги ва бетакрор эканлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Ж.Фрезер, В.Я.Пропп, Е.М.Мелетинский каби фольклоршунос олимлар сехрли эртакларнинг келиб чиқишини бевосита мифлар билан боғлиқликда кўрадилар [1,340]. Инглиз эртакларининг келиб чиқишида ҳам кельт мифологиясининг ўрни беқиёсdir. Зоро, инглиз сехрли эртакларидаги сюжетлар тизими, образлилик ва фантастик унсурларнинг аксариятида кельт мифологиясининг излари акс этган. Шунингдек, эртакларда кундалик ва ижтимоий ҳаётнинг ўрни орта бошлайди. Бунда персонажларнинг кун тартибини кўришимиз мумкин (“*The Haughty Princess*”) [2] Кейинчалик эртакларда мамлакатдаги сиёсий-ижтимоий жараёнлар натижасида пайдо бўлган пул бирликларини учратишмиз мумкин (“*The Fish and the Ring*” эртагида кронав<sup>1</sup>, “*The Haughty Princess*”, “*Mr Vinegar*” эртакларида гинея<sup>2</sup>, “*Mr Vinegar*” эртагида фунт, пенс<sup>3</sup>) ва ҳоказолар [2]. Е.М.Мелетинский ҳам мифларнинг эртакларга айланиш жараёнида мифологик воқеаларнинг ҳақиқат эканига ишониш камайгани, онгли равища тўқима сюжет ва образларнинг ривожланиши, мифологик қаҳрамонларнинг оддий одамлар билан мифологик вақтнинг эса ноаниқ вақт билан алмashiши, этиологизмнинг сусайиши, эътиборнинг жамоавий тақдирлардан якка шахс тақдирига қаратилиши ҳақида ёзади<sup>4</sup> [3,49].

Инглиз эртакларида сехр-жоду “ўзга” олам вакиллари билан боғлиқ тарзда акс эттирилади. Бу “ўзга” олам вакиллари эльфлар, феялар, баҳайбат жонзотлар кўринишида бўлади. (“*The Red Ettin*” эртагида

<sup>1</sup> Крана – Буюк Британияда 1871 йилгача муомалада бўлган кумуш танга.

<sup>2</sup> Гинея – 1663 йилдан 1813 йилгача муомалада бўлган инглиз, кейинчалик Британия олтин танга.

<sup>3</sup> Фунт, пенс – таҳминан 12-13 асрларда Буюк Британияда пайдо бўлган пул бирликлари.

<sup>4</sup> Мелетинский Е.М. От мифа к литературе. – Москва, 2001. – С.49.

баҳайбат мавжудот ака-уқалардан энг каттасини тошга айлантириб қўяди. Эртак қаҳрамонларининг ўзи эса ғайриоддий кучга эга бўлмайдилар ва кимданdir ёки нимадандир сехрли предметни совға сифатида оладилар (“*Jack and the Beanstalk*” эртагида ловия уруғлари) [4]. Айрим эртакларда (“*The Haughty Princess*”) сехрли эртаклар поэтикасидан сезиларли даражада четлашиш қузатиладики, сехрлилик категорияси уларда умуман намоён бўлмайди, яъни деярли ҳамма воқеа-ҳодисалар мантиққа бўйсунади.

Х улоса қилиш мумкинки, эртак тарихдан олдинги даврларда вужудга келган бўлиб, ўз тараққиётининг турли босқичларида барча халқлар оғзаки ижодида катта рол ўйнайди. Асрлар давомида яшаб, оғиздан оғизга ўтиб келаётган эртак уни юзага келтирувчи воқеликнинг қандай ўзгаришига қараб ўзгаради. Эртак - бу тарихий ҳодиса; у инсоннинг мифологик фикрлашни тўхтатганида, соф шеърий фантастика устун рол ўйнай бошлаганда пайдо бўлди. Аммо бу дарҳол содир бўлмади; эртак санъат ҳодисасига айлангунча анча вақт ўтди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Пропп В.Я. Исторические корни волшебной сказки. – Л.: ЛГУ, 1946. – 340 с
2. Jacobs, J. English Fairy Tales. – London: David Nutt, 1890
3. Мелетинский Е.М. От мифа к литературе. – Москва, 2001. – С.49
4. Keding, D. English Folktales [Text] / D. Keding, A. Douglas. – Westport, London : Greenwood Publishing Inc., 2005. – 231 p